

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЭҲТИЁЖИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10476077>

**Собиров Немат Собирович**

*Фалсафа фанлар номзоди, доцент*

**Мамаджанов Алишер Муратович**

*ҳарбий таълим факултети цикл бошлиги*

*Фарғона давлат университети*

**Аннотация:** ушбу мақолада ахборотлашган жамиятда миллий хавфсизликни таъминлаш механизмларини такомиллаштириш эҳтиёжи ва имкониятлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ахборот, ахборот хавфсизлиги, миллий хавфсизлик, таҳдиidlар, ахборот хавфсизлиги, ахборот истеъмоли маданияти, ижтимоий барқарорлик, тажовуз, ижтимоий таъсир.

Ахборот тарқалиши тезлиги ва жараёнларининг кескин ортиши, хусусан, ахборотни шакллантириш ва уни тарқатиш технологиясини яратилиши билан ифодаланади. Инсон бевосита тажриба, шахсий мулоқот, шунингдек, турли-туман ахборот манбалари (китоблар, радио, телевидение, журналлар, газеталар ва белгирямз кўринишидаги бошқа манбалар) орқали зарур ахборотга эга бўлади. Бинобарин, ижтимоий ривожланиш қонунияти ахборот манбалари, шу билан бирга бевосита тажриба ва шахсий мулоқотдан олинган ахборот улушининг кескин ортиши ва устунлиги билан белгиланади. Бизнинг ушбу фикримиз тадқиқиотчи олимлар Г.В. Грачев, И.И.Мельниклар томонидан ҳам эътироф этилган: “Жамиятдаги ижтимоий жараёнларнинг мураккаблашуви ва инсоннинг кундалик турмушкига ижтимоий ўзгаришларнинг бевосита таъсири уни оммавий коммуникация воситалари хабарлари оқимиға янада боғлиқ қилиб қўяди. Инсон жамиятдаги ижтимоий хатти-ҳаракати ва ҳаёти учун зарур баъзи маълумотларни кундалик тажрибасига асосланган ҳолда олади. Ижтимоийлашувга таъсир этувчи маълумотларни эса теле- ва радиодастурлар ҳамда даврий нашрлардан олиш мумкин [1].

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, инсон ва унинг кундалик ҳаёти оммавий коммуникацияга боғлиқ бўлиб, у ўзига хос “иккинчи воқелик”-“субъектив воқелик” ни ҳосил қиласди, унинг таъсири объектив воқеликнинг таъсири сингари бирмунча муҳимроқдир.

Бугуни кунда Ўзбекистонда юз бераётган туб ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар жамият ахборот мұхитининг кескин сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгаришига сабаб бўлди. Бу ҳодисалар телекоммуникация воситалари ҳамда ахборот технологиялари

тизимларининг жадал ривожланиши шароитида юз бериб, бу жамиятдаги ижтимоий бошқарув соҳасида ахборот-телекоммуникация жараёнлари ва турли даражадаги ахборот омиллари йиғиндинисин таянч нұқтага чиқаради.

Мураккаб тизимга эга ахборот муҳитида жараёнли таркибий қисм унинг динамик ва ўзгарувчан қисми – ахборот-коммуникация жараёнлари сифатида фарқланиб, улар якка тартибли, гурухли ва ижтимоий психологияга (хусусан, индивидуал, гурух ва омма онгига) фаол таъсир этади. Ушбу фикримизнинг тасдиғи сифатида рус олим Г.В. Грачевнинг фикрини келтириб үтамиз: “Жамиятнинг маънавий соҳаси маълум даражада ахборот муҳитининг бевосита таъсирига учраб, унинг деформацияси ва деструктив ўзгаришлари руҳий-эмоционал ва ижтимоий зўриқиши, бузилган ахлоқий меъёр ва мезонлар, нотўғри ижтимоий стереотип ва йўл-йўриқлар, ёлғон мўлжал ва қадриятларлар шаклида, ўз навбатида, ижтимоий, жумладан сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг асосий соҳаларидаги жараён ва ҳолатларга таъсир этади” [2].

Бугунги дунёда шаклланган ахборотлаштириш тавсифини баъзи адабиётларда “ахборот жамияти” сифатида идрок этишни Т.Умесо 1963 йилда бошлаб берди дейилса, атаманинг таҳминий мўаллифи сифатида Ю.Хаяши ҳам эътироф этилади[3]. 1982 йилда Ж.Нейсбит ахборот цивилизацияси бу иқтисодий веқелик эканини, қандайдир ғоявий мавҳумлик эмаслигини тасдиқлаган бўлса[4], ахборот жамиятини бугунги кун веқеликларига энг мос келувчи тушунчаси – “ўз-ўзидан вужудга келадиган келажакнинг қиёфаси” ҳозирги кунда олдиндан пайқаб билиш М.Л.Лезгина томонидан илгари сурилган[5].

Бу борада айниқса, Ғарб мамлакатларида ахборотларни сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва ўзgartириш усусларини ўрганиш бўйича дастлаб муҳандислик муаммолари доирасида юзага келган, сўнг кибернетик тизимлар, ҳозирги даврда эса ахборотлаштириш, информацион коммуникациялар, интернет, уяли алоқалар ва бошқариш соҳасига кенг ёйилган ахборот хавфсизлиги ҳақидаги қарашлар муҳим аҳамиятга эга[6].

Ахборот хавфсизлигига ахборотнинг қанчалик фойдали экани ва мақсадга йўналтирилганлигига урғу берадиган прагматик жиҳат кучли тавсифлаб берилган. Бу қарашга кўра ахборотнинг фойдалилик меъёри унинг мавҳумлик меъёрига боғлиқ бўлиб, агар хабар олиш жараёнида истеъмолчи онгидаги муайян масала бўйича мавҳумлик ўзгарса, ахборотнинг фойдалилиги хабар олингунгача бўлган ва ундан кейинги мавҳумлик ўртасидаги фарққа тенг бўлади[7].

Сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган мавзу йўналишининг муҳимлигига қарамай, ҳозирги кунда ушбу мавзудаги илмий ва амалий ишларга оид манбалар етишмайди. Зоро, Н.И. Саттарова томонидан бажарилган тадқиқот ишида боланинг Интернет тармоғида ишлаш хавфсизлигига эътибор қаратишга урғу берилади[8]. Муаллиф педагог, ўқувчилар ва ота-оналар учун бир қанча тавсиялар бериб ўтган. Лекин тадқиқотда айнан таълим

муассасаси ҳамда информатика дарсида ўқувчиларнинг ахборот хавфсизлигига эътибор қаратилган, холос.

А.Д. Урсул эса ахборот хавфсизлигини хавфли ахборот таъсирларига нисбатан ҳаётий фаолиятнинг асосий соҳаларидаги ҳимояланиш ҳолати сифатида кўрсатади[9].

Ҳозирги замонда илғор давлатларнинг олимлари ва мутахассислари томонидан ахборот хавфсизлигидан ташқари бу соҳада кўплаб таълимотлар ва қарашлар ишлаб чиқилди, уларни амалиёти билан боғлиқ изланишлар олиб борилмоқда[10]. Бу нуқтаи назардан, ахборотлашган жамиятга таалуқли муаммоларни ўрганиш ҳамда истиқболли йўналишларни белгилаб олишда иқтисодий, техник, ижтимоий-маданий ва фалсафий нуқтаи-назаридан тадқиқотлар олиб бориш устувор аҳамият касб этади. Америкалик файласуф Даниел Беллнинг фикрича, бошланган ахборот инқилоби икки инқилобдан иборат: компьютер инқилоби ва телекоммуникация инқилоби, бунинг натижасида ахборотни бутун ижтимоий ҳаётнинг, айниқса, иқтисодий ҳаётнинг марказий бўғини бўлган техника яратилди[11].

Компьютерлашувни умумсоциологик позициядан туриб англаш жамият тараққиётининг янги «триада» шаклидаги концепциясини илгари суришни тақозо қилди. Бу борада Д.Белга асосий ижтимоий ривожланиш босқичи сифатида агарар, индустрисал ва постиндустриал жамиятларни ажратиб кўрсатади (постиндустриал жамиятни кейинчалик у информацион жамият деб атаган). XXI асрнинг бошига келиб постиндустриал жамият фазасига Д.Белл ҳисоблашича, АҚШ, Япония, Фарбий Европа қадам қўяди[12]. Шу муносабат билан, Д.Белл ана шундай ахборотлаштириш жараёни жамиятнинг келажагини белгилайди деб ҳисоблади, яъни бунда товар етишмовчилиги кузатилмайди, бироқ ахборот ва вақт дефицити сақланиб қолади. Ахборот иқтисоднинг устуворлиги қарор топади ва унинг асосида – коорпоратив стратегия вужудга келади. Ахборот товарга айланади, ахборот хизмат эса, шунингдек фан ва билим жамоат ташкилотларининг марказида бўлади. билим ҳусусий мулкка боғлиқ бўлмаган характерга эга ижтимоий тус олади. Билимлар ошиши экспоненциал эгричизик кўринишида бўлади билимларнинг самарадорлиги - янги технологияларнинг яратилиши билан белгиланади[13].

Д.Белнинг ушбу фикрларига диққат қилинса, бугунги кунда уларнинг кўп жиҳатдан тасдиқлангани ва айни ҳаёт ҳақиқитини акс эттиргани маълум бўлади. Айни пайтда, Д. Белл тушунчасидаги информацион жамият ғояси постиндустриал жамият сифатида ўз тарафдорларига ҳам, душманларига ҳам эга эканини ҳам қайд этмоқ зарур. Жумладан, С.Нора ва А.Минкларнинг биринчи марта Парижда 1978 йилда чоп қилинган, «Жамиятнинг компьютерлашуви. Франция президентига маъруза» китобида, Д.Белл постиндустриализмига ишончсизлик муносабати ифодаланган.

XX аср сўннги чораги ижтимоий таҳминларнинг ўзига хос рамзи сифатида Ж.Нейсбитнинг “Мегатрендлар” асари майдонга чиқди, бу асарда “ахборот лойиҳаси”нинг тараққиёти давлатнинг иқтисодий фаровонлиги, тинчлик тамойили,

халқарнинг ижтимоий фаровонлигида ва бошқа шу каби қуидаги ижобий омилларда мужассам этилган:

■ ахборот жамиятнинг таркибий қисмлари алоҳида олинган цивилизациялар ҳисобланади. Ахборот жамиятининг энг муҳим мезони ахборот-коммуникатив технологияларининг ривожланганлик даражаси ва инсоннинг ўз-ўзини рўёбга чиқариш имкониятидан иборат;

■ постсаноат маданияти кўп нарсада ўзининг тараққиёт манбанини йўқقا чиқарди ва кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди, бу муаммоларнинг ечими фақатгина глобал миқёсдаги ахборот жамияти доирасида топлиши мумкин;

■ ахборот жамиятига ижтимоий тузилманинг маълум идеал андозаси сифатида қараш керак, бу нарса ҳаётда амалга ошмаслиги ҳам мумкин;

■ ахборот жамиятининг вужудга келиши замонавий тарихий жараённинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади; ушбу вужудга келишнинг алоҳида белгиларини турли ижтимоий соҳаларда кузатиш мумкин;

■ ижтимоий тизимларнинг икки томонлама ривожланиши босқичида шахснинг роли ортиб боради, шунинг учун ҳам бўлғуси жамият қурилишини муҳокама ва тадқиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади, чунки социумнинг ҳозирги, демакки келажақдаги ҳолатига ҳам таъсир ўтказади.

Бу жиҳатдан, Америкалик файласуф, социолог ва футуролог Элвин Тоффлер «Учинчи тўлқин» асари бизнинг мавзумиз билан боғлиқ концептуал масалаларнинг моҳиятини Ғарб талқинида англашга ёрдам берадиган китоблардан бири ҳисобланади. Унда муаллиф жамият тараққиётини «босқичлар алмашинуви» сифатида ўрганар экан, ахборотлашган постиндустриал жамият тараққиётини, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа иқтисодий хизмат соҳаларидан кейин келувчи «тўртинчи» иқтисод ахборотлашган секторининг устуворлиги билан боғлади. У индустриал жамиятнинг асоси – капитал ва меҳнат билан бирга, ахборотлашган жамиятда ахборот ва билимга боғлиқ, деб ҳисблайди[14]. Муаллиф ўз асарида «учинчи тўлқин» деб жамият тараққиётининг ахборот - коммуникацион технологиялар асосланган охирги фазасини назарда тутади.

Асар муаллифи фикрига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмида технологик ва ижтимоий ўзгаришларнинг учинчи тўлқини намоён бўла бошлади. Бу ўзгаришларнинг сабаби компьютерлар, лазер техникаси, биотехнология, ген инженерияси, информатика, электроника, телевидеокоммуникация ривожи билан боғлиқ. Бундай жамиятда етакчи роль ахборот - коммуникацион технологияларга ўтиб, улар жамиятнинг барча структураларига, одамларнинг турмуш тарзи ва онгига таъсир кўрсатади. Жамиятда бойлик яратишнинг янги технологиялари вужудга келади, улар энди одамнинг жисмоний кучига эмас, ақлий қобилиятига суюнади, ундан фойдаланади. «Энг яқин тарихий сарҳад, - деб ёзади Тоффлер – ўн минг йил аввал қишлоқ хўжалигини жорий этиш туфайли юзага келган ўзгаришларнинг ilk тўлқинидек ҳали жуда-жуда олисда»[15]. Дарҳақиқат, ўзгаришларнинг иккинчи

түлқини индустриал инқилоб туфайли юзага келди. Ҳозирги кунда биз ўзгаришларнинг учинчи түлқин фарзандларимиз. Учинчи түлқин ахборотлашув инқилобининг самарааси сифатида намоён бўлмоқда.

Постиндустриал ишлаб чиқаришда ишчи кучининг эмас, информация, ижодиёт ва интеллектуал технологиянинг аҳамияти орта боради. Энди ишлаб чиқаришнинг асосий хўжайини малака ва информацияга эга бўлган ходимдир. Постиндустриал жамиятнинг вужудга келиши жараёнида ишлаб чиқаришдаги таркибий янгиланишлар, меҳнат мазмуни ва характеристининг ўзгариши оқибатида ишсизлик орта боради. Ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларининг қўшилиб кетиши янги ходим типини - ишлаб чиқарувчи истеъмолчини юзага келтиради. Постиндустриал жамиятда асосий эътибор машиналарни ўзгартиришга эмас, кишилар онги ва маданиятини ўзгартиришга қаратилади. Оламни тушуниш, ҳаётдан орқада қолмаслик учун шахс қобилияtlарини ривожлантириш, узлуксиз таълим билан шуғулланиш, кенг миқёсда фикрлашга ўрганиш зарур бўлади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир хорижий тажрибалар таҳлили асосида бир қатор ривожланган мамлакатларда носоғлом ахборот оқимларининг олдини олиш, бартараф этиш ва үнга қарши курашишнинг ўзига хос қонунчилик тизими яратилганигидан далолат беради. Жумладан, бу борада халқаро амалиётдаги “Кибер жиноятлар тўғрисида”ги конвенция, “Вояга етмаганлар учун хавфсиз интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида”ги, Литванинг “Вояга етмаганларни оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида”ги ва Россиянинг “Болаларни соғлиғи ва ривожланишига зиён етказувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида”ги қонунларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хулоса қилганда, ахборотга боғланиб қолмаслик учун, аввало, ахборот манбаига эътибор қаратиш лозим. Таклиф этилаётган ахборотнинг ишончлилиги (илмий, маънавий, маданийлиги), тўғрилиги (шу жумладан, тарихийлиги)га ишонч ҳосил қилиш зарурдир. Бунинг учун билимларни эгаллаш, таклиф этилган ахборотни аввалдан маълум бўлган ахборотлар билан қиёслай олишга, ахборотларни танлаб қабул қилишга ўргатиш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг мотивацион, муҳитта мослашиш, рефлексивлик педагогик-психологик хусусиятлари онг-идрок-ҳиссиётнинг рационаллик билан уйғулигини таъминлаш, яқин катталар ва социум омиллари тизимлаштириш асосида аниқланди.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

- Грачев Г.В., Мельник И.И. Манипулирование личностью: организация, способы и технологии информационно-психологического воздействия.- М.: Алгоритм, 1999, -С. 41.

2. Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности: Теория и технология психологической защиты. Дис. док.пси. наук. - М.: 2000, -С. 43.
3. Глинский Б. А. Социально-философские проблемы информатизации. М., 1990. С. 89.
4. Шеин Д.П. Основные понятия теории информации. М., 1994, -С.112.
5. Ўша асар. 114 б.
6. Ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари. Ўқув-услубий мажмua. –Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2014. -346 бет
7. Ахборот назарияси // Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1 жилд. – Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2016. – 117 бет.
8. Саттарова Н.И. Учитель информатики рекомендует // Компьютерные инструменты в образовании: сб. науч. тр. - СПб., 2000, № 3-4, С.28.
9. Урсул А.Д. Информационная стратегия и безопасность в концепции устойчивого развитии // Научно-техническая информация. Серия 1: Организация и методика информационной работы. 1996, №1, С.7.
10. Абдуллаев Ж.С. Переход к информационному обществу и становление ноосферы (философско-методологические аспекты). Дисс. канд.филос.наук., -М., 1993
11. Белл Д. Грядущее информационное общество. - М., 1999. С. 59
12. Ўша манба
13. Белл Д. Грядущее информационное общество. - М., 1999. С. 61-62
14. Тоффлер Э. Третья волна. М., 1999. 79 б.
15. Тоффлер Э. Шок будущего. –М.: ACT, 2001. -С.34.